Биография

Собир Бахриддинович Усмонов



Собир Бахриддинович Усмонов – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Илмий котиби – филология фанлари номзоди, доцент. У 1957 йилнинг 5 январида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги сўлим “Мойбулоқ” даҳасида таваллуд топган.

Самарқанд давлат университетини аъло баҳоларга тамомлагач, 1979 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг йўлланмаси билан Жиззах давлат педагогика институтида ўз фаолиятини бошлади. 1985-88 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасида таҳсил олди. Устози – таниқли ўзбек тилшуноси, профессор Б.Ўринбоев раҳбарлигида “Ҳозирги ўзбек тилининг гиппологик терминологияси” мавзусида тадқиқот олиб борди ва аспирантура муддати тугамасидан, диссертация муҳокамага қўйилди. 1988 йилнинг 24 октябрида диссертация илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди ва муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Мақсадли аспирантура поёнига етгач, С.Усмонов яна Жиззах давлат педагогика институтининг “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасига ўқитувчи қилиб ишга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги йўлланмаси билан 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси ва қарори билан таъсис этилган Самарқанд давлат чет тиллар институтига Илмий котиб вазифасига ўтказилди. Орадан кўп ўтмай, С.Усмонов Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ) докторантурасига юборилди. 1996-99 йилларда мазкур даргоҳнинг докторантурасида таҳсил олди.

1998 йилнинг сентябридан 2014 йилга қадар Тошкент давлат юридик институти “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси доценти вазифасида фаолият кўрсатди.

Институт раҳбарияти кафедрага тегишли бўлган “Юристнинг нутқ маданияти” предмети юзасидан намунавий ўқув дастури ва дарслик ёзиш масъулятини у ишлаётган кафедра ўқитувчилари зиммасига юклади. Кафедра йиғилиши ўтказилди ва бу юксак, шарафли ва айни пайтда масъулиятли вазифа С.Усмонов зиммасига тушди. Ҳар бир мутахассисликнинг ўзига хос лингвистик хусусиятлари – лексикаси, терминологияси, синтактик қурилиши, стилистик жиҳатлари бўлади. Намунавий дастур шу шартлар асосида тайёрланди ва муҳокамадан ўтказилди.

Юристлар аудиториясида тўпланган тажрибалар нималарга алоҳида эътибор бериши кераклиги ҳақида С.Усмонов тасаввурларини шакллантирди. Иш бошланди.



Собир Усмонов бу борада кўп изланди. У нутқ ва нутқнинг юристлар ҳаётидаги ўрни, юридик терминология, қонун тили, суд нутқи, прокурорнинг айблов нутқи, суд нотиқлиги каби масалалар юзасидан билганларини қоғозга туширарди, вақти-вақти билан тилшунослар ва юристлар ҳамкорлигида маслаҳатлашиб ҳам оларди.

“Дарслик – дастуриламал бўлиши керак. Бўлғуси юристларга фойдаси тегмайдиган дарсликнинг кимга кераги бор? Тил ва нутқнинг юрист ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фикрларни бўлғуси юристларнинг руҳиятига сингдириш лозим. Шундай дарслик бўлсин-ки, у келажакда юристнинг стол китобига айлансин”. Мана шу шарт, мана шу ўгит С.Усмоновнинг онгу шуурига қаттиқ жойлашиб қолди.

Юристлар бехато ёзиши, бехато сўзлаши лозим деган мезон унинг бутун вужудига кириб қолди ва шу мезон асосида ишлади ва яшади. Ва ниҳоят “Юристнинг нутқ маданияти” – бу борадаги биринчи дарслик нашрдан чиқди ва дунё юзини кўрди. Дарслик муаллифи 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси эълон қилган танловда “Йилнинг энг яхши дарслиги муаллифи” ғолибига айланди.

Биография



Бундан ташқари, С.Усмонов қатор йиллардан буён қонун тили, юридик тил, юридик терминология, юристнинг нутқ маданияти масалалари билан шуғулланиб келади. Натижада унинг “Юристнинг нутқ маданияти” (2005; 2007), “Юристлар учун ўзбек тили” (2012) дарсликлари, шунингдек, “Davlat tilida ish yuritish” (2008; 2011), “Юридик тил амалиёти”(2012) ўқув қўлланмалари, “Тафаккур маҳсуллари”(2004), “Конституция – халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси” (2011) рисолалари ҳамда “Аёл – ҳаёт гултожи”(2011) тазкираси; “Yuristning nutq madaniyati”(2018) дарслиги(А. Муҳаммадиев билан ҳаммуаллифликда), “Yurist nutqi amaliyoti” (2019) ўқув қўлланмаси (Ш. Зиямухамедова билан ҳаммуаллифликда), “Гиппологическая терминология современного узбекского языка” (2022) монографияси нашр этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Собир Усмонов томонидан тайёрланган ва нашр этилган 5 та ўқув адабиёти - уч дарслик: “Юристнинг нутқ маданияти” (2005; 2007), “Юристлар учун ўзбек тили” (2012), “Yuristning nutq madaniyati”(2018) (А.Муҳаммадиев билан ҳаммуаллифликда) ва икки ўқув қўлланма: “Davlat tilida ish yuritish” (2011), “Yurist nutqi amaliyoti” (2019) (Ш.Зиямухамедова билан ҳаммуаллифликда) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг грифини олган ва Республикамиз олий таълим муассасаларининг талабалари ва коллежлар ҳамда лицейларнинг ўқувчиларига дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

С.Усмонов 2014 йилнинг августидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Илмий котиби вазифасида ишлаб келмоқда.

“Илмий кенгаш - университетнинг олий органи, унинг фаолиятини Университет доирасида парламент даражасига кўтариш С.Усмоновнинг эзгу мақсадидир. У ўз ишига жуда жиддий қарайди, Илмий кенгаш фаолияти билан боғлиқ ҳар бир ҳужжатнинг сифатли тайёрланишига эътибор қаратади. Университет илмий салоҳиятини кўтариш унинг орзу-умидига айланган.

У ҳамон илмий изланишда. Ҳозирги кунда “Суд нутқи”, “Дипломатия – бу санъат” ўқув қўлланмалари ва “Ўзбек дипломатик энциклопедияси” китоблари устида ишламоқда.

Асарлари:

2005

Юристнинг нутқ маданияти. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг Юрипруденция йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.
Тафаккур маҳсуллари. Биобиблиографик қўлланма. – Т.

2007

Yuristning nutq madaniyati. O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan oliy ta`lim muassaslarining Yurisprudensiya yo`nalishi talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etilgan. – T.

2010

Ўзбек тили. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Юрипруденция йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. – Т.

2011

Davlat tilida ish yuritish. O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan akademik litseylar va kollejlar uchun o`quv qo`llanma sifatida tavsiya etilgan. – T.
Аёл – ҳаёт гултожи. Тазкира. – Т.

2012

Конституция – халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси. Илмий-оммабоп рисола. – Т.

2018

Yuristning nutq madaniyati. O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan Yarbiy oliy ta`lim muassasalari talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etilgan. –T.

2019

Yurist nutqi amaliyoti. O`zbekiston Respublikasi Oliy va o`rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan oliy ta`lim muassaslarining Yurisprudensiya yo`nalishi talabalari uchun o`quv qo`llanma sifatida tavsiya etilgan. – T.

2022

Усманов С. Гиппологическая терминология современного узбекского языка. Монография. – Т.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.